

**«ESKI JUYA DEHQONBOZORI» АЖ**  
**акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш**  
**Б А Ё Н Идан кўчирма**

2021 йил 02 апрел  
Соат 12-00

Тошкент шаҳри

**Ўтказилган жойи:** Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони 28 уй.

Акциядорларнинг 2020 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Бозор майдони, 28 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2021 йил 02 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1855419 овозга эга бўлган акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 84.33 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 78,466 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

***Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларини бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи,  
Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси,  
Файзуллаев Ш.И – «Эски жува дехқон бозори» АЖ директори в.б.,

***Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Досметова Нигора.

***Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:***

Ибрагимова Гулчехра, Муталова Зухра, Музафарова Гулнора.

Йиғилишга «Эски жува дехқон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.
4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес режасини ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси режасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг директорини сайлаш.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.
13. Жамият Устав капиталини камайтириш.

14. Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш.
15. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.
16. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти куйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзгачикувчиларга 5 минутгача.

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### **КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. «Эски жува деҳқон бозори» Акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатов кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0–0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0–0 %).

2. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «ХВ FINANCE KONSULTING» аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2021 йил 12 мартдаги ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. . (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0–0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0–0 %).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. . (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0–0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0–0 %).

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. . (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0–0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0–0 %).

5. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

5.1. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 927200,0 минг.сўм. миқдорда олинган соф фойдаси куйидаги тартибда тақсимлансин:

- жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдадан жамиятнинг резерв жамғармасига % 5 - 46360,0 минг.сўм;

- 13 % ни жамият ходимларини рағбатлантиришга мукофот пули - 120536,0 минг.сўм,

- соф фойдани 82 % - 760304,0 минг.сўми дивидендларга ажратилсин.

Ҳар бир дона акцияга 345 сўм 5618 тийиндан тўланиши таъминлансин. Акциядорларга дивидендларни тўлаб бериш 2021 йил 02 апрелдан 01 июнгача амалга оширилсин.

(Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0–0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0–0 %).

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ, кейинчалик зарур ҳолларда Кузатов кенгаши томонидан асосланган ҳолда ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ

бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7.1. Жамият директори этиб Файзуллаев Шухрат Исматуллаевич акциядорларнинг навбатдаги (2021 йил якунлари бўйича) умумий йиғилишига қадар сайлансин ва у билан меҳнат шартномасини тузиш, қўшимча моддий рағбатлантириш тўловларини ва шартларини белгилаш бўйича ваколат жамият кузатув кенгаши раисига берилсин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7.2. “Eski juva dehqon bozori” АЖ директори ловозимига кўрсатилган номзод Шерматов Музаффар Азатович етарли овоз тўплай олмаганлиги боис сайланмади (Ёқлаган 0 – 0 %, Қарши 1855419 – 100 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

8.1. Ирматов Мурод Абдукаххарович	1855419 та овоз
8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович	1855419 та овоз
8.3. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич	1855419 та овоз
8.4. Алимов Иномжон	1855419 та овоз
8.5. Ганиев Дилмурод Иркинович	1855419 та овоз
8.6. Каримов Сардор Юлдашбаевич	1855419 та овоз
8.7. Туляганов Фарход Файзлуллаевич	1855419 та овоз
8.8. Каримов Малик Рахимович	1855419 та овоз
8.9. Камолов Толмас Каримович	1855419 та овоз
8.10. Аминов Рустам Анварович	0 та овоз
8.11. Махмудов Иброхим Шарифжон ўғли	0 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Турсунов Хамидулла Хаётиллаевич, Нурматова Марина Каримовна ва Норхужаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли сайлансин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 9.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

12.1. Жамият директори Ш.Файзуллаевга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, ташкилий тузилмага киритилган ўзгартиришларни қонун доирасида расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

13. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, устав фондни камайтириш ваколати жамият Кузатув кенгаши берилсин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

14. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

15. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш масаласи ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).


16. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушини камайтириш ва жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин. (Ёқлаган 1855419 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

Баённома имзоланган сана: «08» апрел 2021 йил.

Йиғилиш раиси

Т.Камолов

Котиба



Н.Досметова